

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

3-2018
ИЮНЬ

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

А.ЮСУПОВА, М.РАҲМОНҚУЛОВА

Вазифаларни баҳолаш учун функцияларнинг хусусиятларидан фойдаланиш 5

М.АБДУМАННОПОВ

Иккинчи тартибли оддий дифференциал тенглама учун Бицадзе-Самарский ва биринчи тур интеграл шартли масала..... 10

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

Р.Х.МАКСУДОВ, Ш.ШУХРАТОВ, Ш. ХОЛДОРОВ

Чўзилувчан камарли узатувчи механизм таранглигини ҳисоблашнинг бир усули ҳақида 14

КИМЁ

Л.ИЛЬИНА, Г.ЛАПТЕВ, Е.ЙИЛДИРИМ, С.ЗАЙЦЕВ

Кортекснинг ишлов берилмаган микроорганизмларини молекуляр генетик таҳлил қилиш учун ДНКни изоляциялаш ва тозалаш усулларини оптималлаштириш..... 20

Х.ХАЙТБАЕВ, Б.БАБАЕВ, И.ЮЛДАШЕВ, А.ХАЙТБАЕВ

Трифенилфосфин бромидли комплекс туз синтези 24

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Б.ШЕРАЛИЕВ, З.ПЕНГ

Сирдарёдан тутилиб ўрганилган оддий қора балиқнинг *Schizothorax curvifrons* (Heckel, 1838) тана массаси ва тана узунлиги ўртасидаги боғлиқлик ҳамда нисбий тўйинганлик коэффициенти..... 27

ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

Р.ПИРНАЗАРОВ

Ўрта Осиёдаги тўғонли қўллар ва уларнинг генезиси ҳақида..... 32

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

М.АДҲАМОВ

Сифат – иқтисодий ўсиш омилларидан бири 36

А.ҒОФУРОВ, Г.ХАЛМАТЖАНОВА

Кимё саноатини модернизация қилиш ва уни самарали ишлатишнинг инновацион жараёнига оид халқаро тажриба..... 40

ТАРИХ

С.ХОШИМОВ

Шўро ҳокимиятининг Бухородаги куч ишлатиш органлари тарихидан 45

Б.УСМОНОВ

Чукалак жанги 49

Х.ЖЎРАЕВ

Россия империясининг Фарғона водийсига рус аҳолисини кўчириб келтириш сиёсати тарихидан. (“Туркистон тўплами” манбалари асосида)..... 53

С.ИУЛДОШЕВ

Халқ ўйинлари- маънавий тафаккур омили..... 56

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

У.НАЗИРОВ

Этномаданият ривожда анъананинг ўрни..... 60

УДК: 930.8+390

ХАЛҚ ҲЙИНЛАРИ - МАЪНАВИЙ ТАФАККУР ОМИЛИ

С.Йўлдошев

Аннотация

Мақолада халқ Ҳйинлари, жумладан, болалар Ҳйинларининг келиб чиқиш тарихи ва уларнинг баркамол авлод маънавий-ахлоқий тарбиясидаги аҳамияти баён қилинган.

Аннотация

В статье изложена история возникновения народных, в том числе детских игр, а также их значение в духовно-нравственном воспитании подрастающего поколения.

Annotation

In this article history of beginning of the folk games, including children's games and their importance in spiritual-moral education of youth is expounded.

Таянч сўз ва иборалар: урф-одат, анъана-удум, халқ Ҳйинлари, маънавий мерос, “хола-хола” Ҳйини, “яширин топалоқ”, “кўз бойлаш”, “қоровул бола”, “зим-зиё”, “ушла-ушла”, “боғбон қоровул”, жисмоний, ахлоқий, эстетик, руҳий компонентлар, маънавий тафаккур.

Ключевые слова и выражения: обычай, традиции, народные игры, духовное наследие, игра “хола-хола”, “яширин топалоқ”, “куз бойлаш”, “қоровул бола”, “зим-зиё”, “ушла-ушла”, “боғбон қоровул”, физические, моральные, эстетические, психологические компоненты, духовное сознание.

Keywords and expressions: customs and traditions, folk games, spiritual heritage, the game “hola-hola”, “yashirin topaloq”, “ko'z boylash”, “qorovul bola”, “zim-ziyo”, “ushla-ushla”, “bog'bon qorovul”, physical, moral, aesthetical, mental components, spiritual thought.

Мустақиллик йилларида ўзбек миллий давлатчилиги асосларини яратиш, миллий ўзликни англаш борасида асрларга татигулик ишлар амалга оширилди. Истиқлол туфайли узоқ тарихни танқидий ва холис баҳолаш, миллий давлатчилик негизларини аниқлаш, бой маданият, қадимий мерос илдизларига мурожаат қилиб, халқнинг яшовчан урф-одат, анъана-удумларини жамият қурилишига татбиқ этиш вазифалари бажарилмоқда ва бу борадаги ишларнинг истиқболли жиҳатларини ҳаётга жорий қилиш давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Биз маънавий қадриятларни тиклашни миллий ўзликни англашнинг ўсишдан, халқнинг маънавий сарчашмаларига, унинг илдизларига қайтишдан иборат узвий, табиий жараён, деб ҳисоблаймиз” [1].

Халқ Ҳйинлари миллий, маънавий қадрият бўлиш билан бирга ёш авлодни комил инсон қилиб тарбиялашда, унда ушбу юртнинг ҳақиқий эгаси бўлиш туйғусини мустаҳкамлашда, хуллас, баркамол авлодни вояга етказишда муҳим тарбия қуроли вазифасини бажаради. Ушбу ўринда Биринчи Президентимиз И.А.Каримовнинг “Болаларимизга қачондан бошлаб, қандай қилиб, қандай усулда ва услубда миллий қадриятларимиз, урф-одатларимизни ўргатишимиз, чуқур англашимиз керак” [2], деган фикрлари характерлидир.

Халқ Ҳйинлари бугунги авлодни жисмонан ва маънан баркамол қилиб тарбиялаш, уни дунё миқёсидаги мавқеини ошириш ҳамда ўзига хос рақобатбардош миллий кадрларни вояга етказиш воситаларидан бири сифатида аҳамиятлидир. Шунингдек, уларнинг миллий қадриятларимизни ёшлар онгига сингдиришга хизмат қилиши шубҳасиздир.

Собиқ шўро ҳокимияти йилларида миллий ўзликни ва ўзбек миллатига мансублик туйғуларини уйғотишга хизмат қиладиган кўпгина халқ Ҳйинлари тақиқлаб қўйилди ёхуд унутилди. Фақат коммунистик мафкура ҳамда буюк давлатчилик сиёсатини амалга ошириш мақсади кўзланган ва бу йўналишга тўсқинлик қилмайдиган айрим халқ Ҳйинларини ўтказишгагина рухсат этилди. Сунъий равишда халқ Ҳйинларининг руҳий йўналиши шўро тузуми сиёсатига йўналтирилди. Бу, миллий қадриятларимизнинг ажралмас қисми бўлган халқ Ҳйинларининг давомийлиги ва анъанавийлигига маънан зарба бўлди.

“Мен шуни айтишим керакки, бизга зарба бўлиб тушган энг оғир танглик иқтисодий эмас, балки маънавий танглиқдир. Асрлар давомида қарор топган ахлоқий-маънавий қадриятларни ғоявий қарашларга қурбон қилиш, оқибатларини бартараф этиш, иқтисодиётни тартибга келтиришдан кўра анча машаққатли бўлади” [3], деб Биринчи Президентимиз истиқлол арафасида фикр билдирган эди.

Истиқлол йилларида юзлаб халқ Ҳйинлари қайта тикланди, бир қатор халқ Ҳйинлари халқро даражага

С.Йўлдошев – ФарДУ тарих кафедраси катта ўқитувчиси.

ТАРИХ

қўтарилди, янги ўйинлар билан бойитилди. Халқ ўйинларини оммавийлаштириш давлат сиёсати даражасига қўтарилди.

Ҳар бир халқнинг маданий-маънавий бойликлари хазинасига халқ ўйинлари ҳам киради. Халқ ўйинлари вужудга келиши ва ривожланишига кўра, ғайриоддий ҳодиса эмас, балки халқнинг ҳаётини образли, муайян тарзда акс эттирадиган ва жамият тараққиётининг қонунлари билан белгиланадиган мақсадли йўналтирилган фаолиятдир.

Халқ ўйинлари халқ ижодиётининг ўзига хос жанри бўлиб, кўп асрлик тарихга эга. Уларда жамият ривожланишининг у ёки бу босқичига хос ижтимоий воқеалар аниқ акс этади.

Тарихий тараққиёт жараёнида халқ ўйинларининг тадрижий ривожланишини ва шу ўйинлардан тарбиявий мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқишда халқ ўйинларининг ҳар бир турига хос жиҳатларига алоҳида эътибор бериш керак. Ўйинлар халқ томонидан яратилган ва кишиларнинг кундалик ҳаётидаги воқеалар ҳамда ҳодисаларни образли акс эттирган. Уларнинг ҳаётий таассуротларини, кузатишларини, тажриба ва ҳиссиётларини гавдалантириб, ўзида мусиқа, рақс шаклларини ҳам мужассамлаштирган. Маънавий мероснинг қадимий қатламга хос миллий қадриятлар тизимида халқ ўйинлари марказий ўрин тутади.

Халқларнинг узоқ даврлардан буён сақланиб келаётган ўйинлари улар ҳаётининг бир бўлагига айланган. Ўйинларда халқнинг хоҳиш-истаклари, ўтмиши, турмуш тарзи намоён бўлади. Халқ ўйинлари бошқа урф-одат ва анъаналар сингари қадимийдир. Бу ўйинлар, мусобақаларнинг айримлари турли таъсирлар натижасида модернизациялашган, айримлари локал хусусиятларини сақлаб қолган. Бу эса халқнинг ижтимоий-психологик ҳолатидан келиб чиқиб, қувноқлик, хушчақчақлик, тўй ва байрамларга иштиёқнинг кучлилиги, тадбир ўтказишга мойиллик каби компонентларнинг етакчилигидан далолат беради.

Гўдаклик, болалик, ўсмирлик ва ўспиринлик босқичларидаги турли ўйинлар ўзига хос тарзда ихтиёрий фаолият турлари ҳисобланиб, объектив равишда тарбиявий, ахлоқий, ижтимоий-эстетик функцияни бажаради [4].

Жумладан, “хола-хола” ўйини болаларни ёшлик чоғиданоқ меҳмон кутиш ва кузатиш, дастурхон тузаш одобига оид кўникмалар ҳамда ижобий хислатларнинг шаклланишига ёрдам беради. Бу эса ўз навбатида қизларни оилага тайёрлашда бир босқич вазифасини ўтайди.

Шунингдек, у боланинг жамоа ичида ўзини тутиши, бошқаришига ижобий таъсир қилади.

Ўзбек халқ ўйинига хос хусусиятларнинг бойлиги ҳам унинг хилма-хил тарбиявий вазифаларни бажаришини таъминлайди. Халқларимиз ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида бир-бирини тушунишга ва ўзаро яқинлашишга интилаётган ҳозирги даврда ўйинларнинг ҳамма учун тушунарли умумий тили болалар ҳам бир-бирларини англаб олишларида катта ёрдам беради. Уларнинг бошқа миллатларнинг ўйинларида иштирок этишлари уларда байналмилаллик ҳис-туйғуларни, турли миллат кишиларига ҳурмат ва муҳаббатни, бошқа миллатларнинг турмуши, маданияти, анъаналари, одатлари ва ҳоказоларга доир билимларни таркиб топтиради. Мазкур ўйинлар ўзбек халқи ҳаётини ва маданиятини бошқа миллатларнинг ҳаёти ва маданияти билан таққослашда ёрдам беради. Бу эса ёшларни ўз халқининг хусусиятларини, ўзига хослигини, ҳиссий жиҳатларини чуқурроқ билиб олишига хизмат қилади. Ўйин мазмунининг ривожланиши боланинг катталар ҳаёти ва фаолиятининг моҳиятига чуқурроқ кириб боришида, атрофдаги воқеаларга муносабатининг ўзгаришида, шунингдек, ўйин мазмуни ҳамда сюжети ижтимоий шарт-шароит ва жамият аъзолари турмушининг тобора тўғри акс эттиришда кўзга ташланади. Шунинг учун болаларда ўйин қобилиятининг ўсиши ўз-ўзидан юзага келмайди, балки катталарнинг таъсири натижасида атроф-муҳит билан танишиш, сайрлар уюштириш, шахслараро муносабатларнинг моҳиятини тушуниш кабиларда амалга ошади.

Миллий маънавиятнинг ажралмас сарчашмаларидан бири ҳисобланган халқ ўйинлари халқимизнинг моддий, маънавий ва маиший турмушига сингиб кетган. Бу халқ ўйинларининг вужудга келиши диний тасаввурлар билан ҳам боғлиқлиги ўйинларнинг ижтимоий-маънавий ва эстетик эҳтиёжлар асосида юзага келганлигини кўрсатади.

Халқ ўйинлари замирида жисмоний ва маънавий баркамолликни тарбиялашнинг самарали усуллари жамланган. Ўйинлардаги миллий қадриятлар, инсоний туйғулар, табиат ва инсонга муҳаббат, аждодлар анъанасига садоқат уларнинг маънавий қудратга эга эканлигини кўрсатади. Ўйинлар ўз-ўзидан пайдо бўлавермайди. Улар халқ ижодининг маҳсули бўлиб, инсонларнинг оламда ўз мавқеи ва ўрнини билиши, гўзал ҳаёт барпо эта олиши халқ ўйинларининг этнографик элементлари кўринишида намоён бўлади. Халқ ўйинлари миллий ва маънавий қадриятларни асраб-

авайлашнинг энг аънавий таркибий қисмидир. Бугунга қадар сақланиб қолган байрам, тўй, сайл томошалардаги ўйинлар маънавий ва миллий ўзликка хос жиҳатларнинг тарихий-генетик асослари ҳисобланади.

Ўйинлар жараёнида болалардан ақл-заковат, моҳирлик, тадбиркорлик, эпчиллик ва чаққонлик, жасурлик ва шижоат, ҳушёрлик ва фавқулодда қатъий қарорга кела олиш каби сифатлар талаб қилинади. Бундай сифатлар талаб этиладиган ўйинлар сирасига “яширин топалоқ”, “кўз бойлаш”, “қоровул бола”, “зим-зиё”, “ушла-ушла”, “боғбон қоровул” кабиларни киритиш мумкин. Бу сифатлар эса тарбиянинг жисмоний, ахлоқий, эстетик, руҳий компонентларни ўйинлар орқали болаларга сингдириш имконияти кенглигидан далолат беради. Ўйинлар орқали комил инсонни тарбиялашнинг қулайлиги шундаки, болаларни бу жараён (ўйин)га олиб киришда қийинчилик туғдирмайди, тарбиянинг мажбурий усул ва воситалари қўлланилмайди. Болаларда у ёки бу ўйинда иштирок этишда ихтиёрийлик принципига амал қилинади. Тарбия беришнинг синф, аудитория каби аънавий методларидан ўйин майдонига олиб чиқилади. Ўйин орқали ўқувчиларда маънавий ва жисмоний сифатлар шаклланади. Шунингдек, босқичма-босқич комил инсон тарбияланади.

Ташқи оламга тақлид ва уларни ҳаётга татбиқ қилишга интилаётган болани кўрсангиз, билинги, у завқланаяпти, мураккаб оламнинг энг содда вакили нимагадир талпинаяпти [5].

Аслида болаларни тетапоя қилишларидаги моҳият биоасосга таянади, яъни улғайиш, вояга етиш, ўсиб-униш жараёнида бир миллатнинг ёш авлоди бу йўлни ўзига хос, бошқалардан фарқли равишда босиб ўтади. Халқ ўйинлари ёшларга ҳам жисмонан бардамлик, ҳам интеллектуал озуқа беради. Жумладан, асосан қизлар ўйнайдиган, хунармандчилик ривожланган ҳудудларда энг кўп тарқалган рангтоп, лаппак, тўптош, топишмоқ (буюмлар билан боғлиқ топишмоқлар) каби ўйинлар болалар ва қизларда интеллектуал салоҳиятни оширишга хизмат қилади. Асосан болаларнинг баркамол бўлиб вояга етишлари учун хизмат қиладиган ўйинлар ёш авлодда, аввало, миллатга бўлган ҳурматни, ота-боболардан қолган бой меросга нисбатан садоқатни оширади.

Шунингдек, ёшлар халқимизнинг аънавий ҳўжалигидан яхшигина хабардор бўлиб, меҳнат тарбияси учун ҳам йўллар очилади. Оддийгина беркинмачоқ ўйини болаларда ҳарбий соҳага иштиёқ, сезгирлик ва чаққонлик, ҳаракатларда уйғунлик ва ўйинга хос

мутаносиблик жиҳатларини шакллантиради. Мазкур ўйиннинг, умуман ҳарбий ўйинларнинг (мўнгуз-мўнгуз, оқ сўнтак, оқ теракми-кўк терак, ботир бола, даста, данак яшириш, яширин-топалоқ, топил-топил, қулоқ чўзма, кураш ва ҳоказо) мустақиллик даврида Ватаннинг ботир ва жасур ҳимоячилари, ватанпарвар, юртпарвар, элпарвар юртдошларимизни тарбиялашдаги роли беқиёс. Тарихга назар солсак, собиқ совет жамиятида халқ аънаваларининг ажралмас қисми бўлган халқ ўйинларини ҳаётдан сиқиб чиқариш сиёсати юритилди. Унинг заминида советларнинг миллий сиёсати, яъни умумсовет халқини шакллантиришга, миллатларни қўшиб юборишга қаратилган сиёсат, иккинчидан, қишлоқ ва шаҳарлардаги халқ ўйингоҳларини, адир ва майдонларни йўқотиш, пахта майдонларига айлантириш сиёсати, учинчидан, аънавий халқ ўйинлари ўрнига совет ҳокимиятининг буюк давлатчилик мафқурасига хизмат қиладиган “кашшофлар” ўйини кабиларни мажбуран тикиштириш каби ҳолатлар кенг тарқалди. Масалан, совет ҳокимияти даврида болалар руҳиятига сунъий равишда тикиштирилган “уруш-уруш” ўйини (совет-немисларга бўлиб) ёшлар тарбиясида фашизмга эмас, немис халқига нисбатан ҳам нафрат руҳини сингдириб борди. Мазкур ўйинда ҳеч қандай тарбиявий аҳамият элементлари мавжуд эмас. Ҳолбуки, халқ ўйинлари халқнинг ақлий, руҳий, жисмоний куч берадиган манбаларидан бири бўлиб, совет ҳокимияти йилларида минглаб ўйинлар ичида айрим мусобақа ва ўйинлар: кураш, улоқ, қиз қувди, от пойгаси кабилар сақланиб қолди. Бошқа ўйинларнинг таъқиқланиши, халқнинг саломатлигига салбий таъсир қилувчи омилларни кўпайтирди ва маънавий-жисмоний камолотга тўсқинлик қилди [6]. Лекин бу вақтда ҳам халқ ўйинлари орқали юрт фарзандлари жасурлик ва мардлик туйғуларини ўзида мужассамлаштиришга интилиб келди. Айниқса, мустақиллик шароитида аънавий ўйинларнинг қайта тикланиши болаларни ёшлиқдан Ватан ҳимоячиси бўлишдек кўникма-малакаларни босқичма-босқич шакллантириб бормоқда. Мустақиллик йилларида ўқувчи ёшлар ўртасида “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод”, олий ўқув юрти талабалари ўртасида “Универсиада” каби спорт ўйинлари оммавийлашиб, аънавий тус олиб бормоқда. Бу спорт ўйинларининг ривожланиши натижасида халқ ўйинларининг таркиби, турлари кўпайди, ижтимоий қатлами кенгайди. Шунингдек, улар оммабоп тадбирларга айланди.

Ҳар қандай халқ ўйинлари яқка тартибда ўйналмайди. Унда гуруҳ ва жамоа иштирок этади. Ўйин жараёнида жамоавий ҳаракат ва мулоқот қоидалари, ахлоқ нормалари, ўзаро ёрдам кўникмалари, умуминсоний қадрият тамойиллари, маънавият ва руҳиятнинг таркибий қисмлари шаклланади. Ўйинларда шахслараро муносабат меъёрлари, катталар тажрибасини ўзлаштириш ва уни шахсий фаолиятда синаб кўришнинг кўникмалари вужудга келади. Халқ ўйинлари миллий ва умуминсоний қадриятларни шакллантириб бориш билан бирга миллий ўзликни англаш, урф-одат ва анъаналарга содиқ қолиш жиҳатларини намоён қилиб бораверади.

Мустақиллик йилларида ёшларга оид 40 тадан зиёд қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Бу қонун ва ҳужжатлардан, 1991 йил 21 ноябрда Ўзбекистон Республикасида “Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги қонун қабул қилинди ва 2014 йилнинг 6 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорни имзолади. Шунингдек, 2002 йил 24 октябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида”ги ва 2004 йил 29 август “Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, ҳамда, 2013 йил 15 март куни Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Хомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида “Спорт баркамол авлодни тарбиялашнинг энг муҳим ва самарали омилидир” мавзусидаги маърузаси, 2014 йил 6 февралда 7 бўлим ва 67 банддан иборат “Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури”, 2014 йил 19 февралдаги “Соғлом бола йили Давлат дастури тўғрисида”ги қарори,

бу борадаги ишларимизга дастурамал бўлмоқда [7].

Мазкур қарор ва фармонлар мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш, юксак маънавиятли, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга қаратилган кенг кўламли ишларнинг асосини ташкил этди.

Соғлом ва маънан баркамол авлод тарбияси умумдавлат аҳамиятига молик иш, деб қаралаётган шу кунларда анъанавий халқ ўйинларини тадқиқ этиш халқимиз миллий-этник қиёфасини акс эттирувчи ўйинларнинг шахс дунёқараши ва руҳий оламида тутган ўрнини белгилаш имконини беради.

Ўзбек халқ ўйинларининг ана шу энг муҳим хусусиятлари уларнинг тарбиявий аҳамиятларини таҳлил қилиш имконини беради. Биз ўзбек халқ ўйинларига жамиятнинг бутун маънавий маданияти билан биргаликда ва халқимизни, биринчи галда республикамиз ёшларининг маънавий тафаккурини тарбиялаш омилларидан бири сифатида қараймиз.

Республикамиз Биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Маънавий ва ахлоқий покланиш, имон, инсоф, диёнат, орномус, меҳр-оқибат каби чинакам инсоний фазилатлар ўз-ўзидан келмайди. Ҳаммасининг заминида тарбия ётади” [8]. Ўзбек халқ ўйинларининг тарбиявий аҳамияти ҳақида гап борар экан, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, болаларни ҳалолликка, саховатга ўргатади, катталар тажрибасини болалар ва ёшларга ўтказишнинг воситаси сифатида хизмат қилади. Ўғил ва қизларда меҳнатга онгли муносабатни шакллантиради. Уларнинг кучли, чаққон, серҳаракат, зийрак, топқир, ўзаро ҳамкор бўлишларига ва маънавий тафаккурининг ривожланишига ёрдам беради.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
2. Каримов И. А. Баркамол авлод орзуси. – Т.: Шарқ, 1998.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011.
4. Йўлдошева Р. Ўзбек халқ ўйинларининг тарбиявий аҳамияти. – Т., 1992.
5. Маҳсумов С. Миллий ўйинлар - тарбия воситаси // “Маърифат” газетаси. – 2007 йил, 20-сон.
6. Қорабоев У. Ўзбек халқ ўйинлари. – Т.: “Санъат” нашриёти, 2001.
7. “Халқ сўзи” газетаси. – 2013 йил, 52-сон.
8. Каримов И. А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011.

(Тақризчи: М.Исомиддинов, тарих фанлари доктори, профессор).